



Turkic  
World



Мемлекет тарихы  
институты



Жас тарихшылардың  
республикалық қауымдастыры



# ҚАЗАҚСТАН ЖӘНЕ ТҮРКІ ӘЛЕМІ:

қоғамдық ғылымдар саласындағы  
өзекті мәселелер

## KAZAKHSTAN AND THE TURKIC WORLD:

actual problems in the field  
of social sciences





ҚР БФМ ҒЫЛЫМ КОМИТЕТІ МЕМЛЕКЕТ ТАРИХЫ ИНСТИТУТЫ  
ЖАС ТАРИХШЫЛАРДЫҢ РЕСПУБЛИКАЛЫҚ ҚАУЫМДАСТЫҒЫ

**«Қазақстан және Түркі әлемі:  
қоғамдық ғылымдар саласындағы өзекті мәселелер»  
халықаралық онлайн симпозиум материалдарының**

## **ЖИНАҒЫ**

## **COLLECTION**

**of materials of the international online symposium  
«Kazakhstan and the Turkic world: actual problems in  
the field of social sciences»**

**Нұр-Сұлтан, 2021**

<b>Дилноза Жамолова,</b> Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг Туркистондаги сиёсий жараёнларга муносабати.....	180
<b>Feruz Boboyev,</b> Armed movement against The soviet rule in the Turkmen SSR (1925-1926).....	184
<b>Nilufar Jumaeva,</b> Buxoro vohasi dehqonchilik madaniyati tarixidan (XIX asr oxiri-XX asr boshlari).....	195
<b>Ойбек Кличев,</b> “Туркистон тўплами”да Амирзода Сайд Мир Абдулфаттоҳ элчилигининг ёритилиши.....	202
<b>Бахтияр Курбанов,</b> Туркистон-Сибирь темир йўлининг барпо этилиши ва унинг аҳамияти.....	206
<b>Манзила Курбонова,</b> Туркий халқларда сутли таомлар (этнографик таҳлил).....	211
<b>Бахтиёр Мирзаджанов,</b> Проблема национальных кадров и их равного представления в государственных органах и учреждениях Туркестана.....	219
<b>Бахтиёр Мирзаджанов,</b> Вопросы равного представления в государственных органах и учреждениях Туркестана.....	225
<b>Mirzadjanov B.T., Aizbek Boymirzayev, Muqaddas Azizova,</b> Women's issue in Turkestan (1917-1924).....	232
<b>Сардорбек Мирзахалов,</b> Ёшлар тадбиркорлигини давлат томонидан қўллаб-қувватланишининг меъёрий-хуқуқий асослари.....	235
<b>Мухаммадали Мубинов,</b> Sharq mamlakatlari bilan savdo-sotiqda O`rta Osiyo xonliklaridagi shaharlarning ishtiropi, savdo-sotiqda amal qilgan qoidalar va narx navo.....	243
<b>Dilrabo Murodova,</b> Buxoro viloyati davlat arxivi fondlarida lotinlashtirish masalalari.....	250
<b>Müşviq Mustafayev, Südabə Hüseynova, Günel Aslanova,</b> Sosial adaptasiya sosiallaşmanın xüsusi formasi kimi.....	256
<b>Бунёд Насиров,</b> Парикмахерское и банное дела в Узбекистане (в период Советской власти).....	261
<b>Бунёд Насиров,</b> Совет хукумати даврида Ўзбекистонда ижтимоий-маиший инфраструктуралар фаолияти.....	266
<b>Alisher Nigmatov,</b> XX asr 20-90-yillarda O'zbekistonda etnik tarkib va aholi sonining kengayishi.....	271

16. История железнодорожного транспорта России и Советского Союза. Т. 2. 1917-1945 гг. – Санкт-Петербург: Москва, 1997. – С. 66.
17. Хўжаев С. Ўзбекистонда транспортнинг ривожланиши ва аҳамияти. – Т.: Ўзбекистон, 1970. – Б. 93.

## ТУРКИЙ ХАЛҚЛАРДА СУТЛИ ТАОМЛАР (ЭТНОГРАФИК ТАҲЛИЛ)

*Қурбонова Манзила Боқиевна,*

*БухДУ доценти, тарих фанлари номзоди (Ўзбекистон Республикаси)*

**Аннотация:** Овқатланиши маданияти инсоният жамиятининг эволюцияси билан боғлиқ. Фан ва маданият ривожланиб борган сайин одам овқатланишини такомиллаштириши ўйларини жуда кўп излаши билан овора бўлган, бу йўлда ютуқларни қўлга киритган ва муваффақиятсизликларга учраган. Қадимдан туркий халқлар овқатланишида сут, сут маҳсулотлари муҳим ўрин тутган. Улар ҳайвонот маъсулоти ҳисобланган сут, сут маҳсулотлари қумматини, фойдалилигини, парҳезбон хоссаларини ундан жуда кўп фойдали ва лаззатли таомлар тайёрлашини билганлар ва тажриба орттирганлар. Сут инсон дунёга келган кундан бошлаб оғзига тегадиган бебаҳо неъматидир. Сут деярли нон сингари ардоқли таом эканини алоҳида таъкидлаш ўринлидир. Аҳолининг турли уй ҳайвонлари сутини ичиши биринчи галда уларнинг дунёнинг қайси қисмида яшашига боғлиқ. Масалан, шимолда асосан бугу подалари, Туркманистан ва Қорақалпогистонда туялар, Ўзбекистонда сигирлар, Қозогистонда қўйлар, Қиргизистонда биялар яшайди. Марказий Осиёда турли ҳайвонлардан сут согиб олиншиига қарамай, туркий аҳоли асосан сигир сутини истеъмол қиласди. Сигир сутининг химиавий маркиби кўпгина омилларга боғлиқ бўлиб, буларга иқлимий-географик шароитлар, ҳайвоннинг зоти, уни сақлаш ва боқши хусусиятлари киради.

Сут ўзининг химиавий маркибига кўра ҳайвонот маҳсулотлари ўртасида гоят муҳим ўрин тутади. Сут шу қадар мураккаб химиавий маркибга эга, шунинг учун ҳам одам учун ниҳоятда фойдалидир.

Ушибу мақолада туркий халқлар истеъмолида сут ва сутли маҳсулотлар ўрни ва аҳамияти этнографик жиҳатдан таҳлил қилинаади.

**Калим сўзлар:** согин сигир, кес-кес ирми, сарфалла, олтин овуз, оғиз сути, далама, қаганоқ, қимиз, шубат, ширчой, қаймоқ, чибод, сузма, сарган.

**Annotation.** Nutrition culture is associated with the evolution of human society. As science and culture developed, man became preoccupied with finding ways to improve his nutrition, and he also achieved successes and failures along the way. Since ancient times, milk and dairy products have played an important role in the nutrition of Turkic peoples. They knew and gained experience in the value, usefulness, dietary properties of milk and dairy products, which are considered to be animal products, as well as in the preparation of many useful and delicious dishes from it. Milk is a priceless blessing

*that touches the mouth from the day a person is born. It is worth noting that milk is almost a delicacy like bread. The fact that people drink the milk of different pets depends primarily on what part of the world they live in. For example, in the north there are mainly deer herds, camels in Turkmenistan and Karakalpakstan, cows in Uzbekistan, sheep in Kazakhstan, and horses in Kyrgyzstan. Despite the fact that milk is milked from many animals in Central Asia, the Turkish population consumes mainly cow's milk. The chemical composition of cow's milk depends on many factors, including climatic and geographical conditions, the breed of the animal, its care and feeding characteristics.*

*Milk occupies a very important place among animal products due to its chemical composition. Milk has such a complex chemical composition, which is why it is also extremely beneficial to humans. This article provides an ethnographic analysis of the role and importance of milk and dairy products in the consumption of Turkic peoples.*

**Keywords:** *milking cow, kes-kes irimi, sarfalla, golden ovuz, colostrum, dalama, kaganak, kumiz, shubat, shirchoy, sour cream, chibod, suzma, sargan.*

Дунёнинг турли ўлкаларида яшовчи туркий аҳоли биринчи галда “ўз” ҳайвонларининг сутини истеъмол қилиши табиий ҳол. Бу жуда фойдали бўлган, чунки овқатланиш фани тўғрисидаги янги маълумотлар ҳазм безларининг ферментатив системаси асрлар оша муайян турдаги маҳсулотни ҳазм қилишга мослашганлигини кўрсатади (Худойшукуров ва бошқалар 1990:11).

Ўрта Осиё туркий халқлари ҳаётида қимматли ва бебаҳо бойлик манбаи уй ҳайвонларидир. Туркий қабилалар хўжалигига от, тuya, қўй ва сигир энг қимматли мол сифатида қадрланган. Ушбу тўрт молнинг отаси, яъни пири борлиги эътиқод устунидир. Кўй отаси “Қамбарота”, сигир отаси “Занги ота”, тuya отаси “Ўйсил Қора”ларга халқ ўз орзу-истакларини баён қилган (Ҳасан Кўксол, 2001:112-113.).

XIX аср охири ва XX аср бошларида Ўрта Осиё туркий аҳолиси сут ва сут маҳсулотларини кенг истеъмол қилганлар. Овқат тайёрлашда асосан сигир, қўй, ярим ўтроқ ўзбек, корақалпоқ ва қозоқларда эса тuya ва от сутидан ҳам фойдаланилган (Этнография каракалпаков, 1980:127.). XIX аср 70-йилларида А.В. Каульбарс қўшни қозоқлар таъсирида қорақалпоқлар хўжалигига от ва тuya сутидан “қимиз” “шубат” ичимликлари тайёрланганини кузатган (Каулбарс, 1881:557-558.).

Туркий халқларда, айниқса, соғин сигир қадрланган, чунки, ҳар бир хонадонда қора қозонни қайнаши кўп жихатдан соғинди говмишга боғлиқ бўлган. Шунинг учун бўлса керак, бозордан сотиб олинган сигир уйга олиб келингач, қора қозонни муттасил қайнаб туришини ният қилиб, ўчоқ бошини уч маротаба айлантириш одати бўлган. Бўғоз сигирларни бешикаст туғдириб олиш, уларни ёмон кўздан асраш, ювош қилишга қаратилган қатор ирим-сиримлар бажарилган. Масалан, Ўзбекистоннинг Бухоро воҳасининг ўзбекларида (Когон туманида) эндинга бўғоздан бўшаган сигирни ёмон кўздан асраш учун атрофида чорраҳадан териб олинган хас-чўпчак тутатилган. Олот тумани қишлоқларида соғинди сигирни кўздан асраш учун дуо битилиб, унинг шохига тумор қилиб осиб қўйилган. Тумор ичига қоразира, буғдой кепаги, туз, чилон жийданинг чўпи солинган. Аччик қалампир солинган

туморни осиб қўйиш холлари бўлган. Бундан ташқари, кўздан асраш учун йўлнинг кесишиган жойи-чорраҳадан озгина тупроқ, хас-чўпчак териб, латта ва исириқ билан қўшиб, тутатилган. Бир қатор қишлоқларда сигир биринчи марта соғилганда идиш тубига пахта солиб соғиш одати бўлган. Бундай ирим момиқдек оқ пахта устига соғилган сигир сути пахтадек юмшоқ бўлсин маъносини англацган. Сигир устига ювош бўлсин учун эшак тўқими қўйиб олиш одатига амал қилинган. Сигир тезда сутдан чиқиб қолмаслиги, яъни, сут бериш муддати узун бўлиши учун соғинга кирган пайтида унинг устига узун арқон ташлаб соғилган.

Халқда яна сигир чилласи билан боғлиқ тушунчалар ҳам кенг тарқалган. Жумладан, соғин сигир чилласидан чиққунча унинг сутини “сигир учинади” (Дала тадқиқотлари, 1991.) деб кун ботганидан кейин бирорга берилмаган. Баъзи жойларда туккан сигирнинг сути қирқ кунгача ҳамирга солинмаган. Айрим сигирларнинг “сояси юпқа” (Дала тадқиқотлари, 1993) деб, кун ботганидан кейин сути Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарё воҳаси ўзбекларида озгина қозон қора солиб, Навоий тумани Дўрман қишлоғида эса гугурт чақиб, сутга ташлаб сўнгра берилган. Бухоро воҳаси Олот тумани туркманларида эса сут ичиға тош ёки чўп солиб берилган. Умуман воҳанинг кўпгина манзилларида “сигирнинг тўрт эмчаги булоқ, унинг биттаси хайрот” сингари иборалар ишлатилган.

Сигир ва унинг сути қўзиккан деб ҳисобланса, уни бартараф этишнинг ўзига хос иримлари бўлган. Бухоро воҳасининг Олот, Коракўл тумани ўзбек ва туркманларида сигир елини ёки эмчаги оғриб қасалланса “кес-кес” ирими бажарилган. Бунинг учун ошпичноқ оловда қиздирилиб, сигирнинг соғилган сутини “кесдим, кўздан бўлса кесдим, сукдан бўлса кесдим, кўзларингни тешдим”, - деб уч марта сутга ботириб кесилган. (Дала тадқиқотлари, 1993) Когон тумани Хўжа Якшаба қишлоғида эса қўзиккан сигир сути соғилиб, қизил атиргул устига тўкиш ирими ҳам уч марта тақрорланган.

Воҳада сигирнинг сутини бошқа бирорга кўрсатмасдан соғиш одати ҳам бўлган. Бегонанинг кўзи тушмаслиги учун, сигир эрта тонгда соғилган. Сигирнинг даставвалги соғини жараённида сут эмчагидан тик тиззиллаб тушиши ниятида идиш ичиға ингичка қамиш солиб қўйилган.

Маълумки, туғинидан сўнг сигир, қўй, эчкилардан уч-тўрт кунгача сарифи аримаган сут соғиб олинган. Воҳа туманларида бир хилдаги сут турлича номланган. Масалан, Когон тумани қишлоқларида биринчи кун соғилгани сарфалла, кейингилари эса оддийгина фалла, Шофиркон ва Ғиждувон ўзбеклари фалла, Навоийда палла, Олот ва Коракўл тумани қишлоқларида эса бу сутнинг ранги тўқ сарик бўлгани учун уни олтинга қиёслаб, “олтин овуз”, кейинги кунлардагиси “овуз” деб юритилади. Умуман, сигир, қўй ва эчкиларнинг биринчи марта соғилган оғиз сути ҳамиртуруши, “қўри” ёки “ўзаги” (Дала тадқиқотлари, 1993, 1994) дейилган.

Воҳанинг деярли барча аҳоли масканларида оғиз сутидан “палла” ёки “фалла” пиширилган. Таомни тайёрлаш бироз диққат ва эътибор талаб этган. Бунинг учун аввал пиёва тайёрлаб, кейин тенг миқдорда сут ва оғиз сути қўшиб қайнатилган. Таом тайёр бўлгандан сўнг туз, седана ва зира солиб, косаларга сузилган. Когон

тумани қишлоқларида бу таом тайёрланганда тандирда иссик нонлар ҳам ёпилиб, қўни-қўшнилар чақирилган, яъни биргалалиш тансиқ таомни баҳам кўриш одати кенг тарқалган.

Воҳанинг қатор қишлоқларида палла пиёвани пишириб, қўни-қўшниларга тарқатиш одатлари ҳам бўлган. Палла пиёва солиб берилган идишлар эгасига ун ва туз билан қайтарилган. Ромитан тумани (Оғар, Муллоён, Хоса) ва Вобкент тумани (Сариосиё, Тоқидўз, Ҳалвогарон) қишлоқларида бу таом учун пиёва тайёрланмай, тенг миқдордаги сут ва оғиз сутига сув қўшиб, қайнатиб пиширилган. Воҳада фақат сигирнинг оғиз сутидан пиширилган палла тарқатилган. Қўй ва эчки палласи бирорвга берилмаган.

Воҳанинг барча қишлоқларида сигирнинг оғиз сутидан “далама” таоми ҳам пиширилган. Даламани пишириш учун аввал қозон ёғланган, сўнг бегона, яъни бошқа сигирнинг сути ва оғиз сути солинган, салгина қайнаб чиққач, қозон ўчоқдан туширилиб совук сув солинган тогорага қўйиб, чўмич билан тинмай шопирилган. Бордию бу қоидаларга риоя этилмаса таом худди чуриб ёки ағдарилиб тушган сутга ўхшаб қолган, аслида далама қуюкроқ аталадек бўлган, шунинг учун ҳам ҳалқ орасида “далама оби-тобидай тайёрланса, худди нишолдадай бўлади” сингари ўхшатиш кенг тарқалган. Далама учун етарли миқдорда оғиз сути керак бўлган. Шунинг учун ҳам биринчи ва иккинчи кунги оғиз сутлари сарфланган. Бу таомни Қоракўл тумани қишлоқларида кўпинча катта қозонда пишириб, қўни-қўшниларга “Занги бобонинг оши” деб тарқатилган. (Ислом, 1989:118). Далама ҳам молнинг хайр баракаси деб ҳисобланган ва хайр-эҳсон тариқасида ҳамкишлоқларга тарқатилган. Бу таом жуда хуштаъмлигидан ҳалқ даламахўрлар учун оғиз сутини сақлаб қолиши усулини синаштакор чорвадор миришкорлар ўйлаб топган. Бухоро тумани қишлоқларида соғилган оғиз сути ичига тоза пахта солиб қўйилган, оғиз сутини ўзига шимиб олган пахта қуритиб сақланган. Бундай қуритилган пахтадан далама тайёрлашда фойдаланилган. Бу усулда далама пишириш жараёнида кўпроқ сигирнинг ўз сутидан, бегона сутдан эса камрок фойдаланилган.

Оғиз сутидан тайёрланган яна бир тансиқ таом “қаганоқ” деб аталади. Бу таом воҳанинг айрим жойларида онда-сондагина пиширилган. Чунки қаганоқ учун ҳам етарли миқдорда оғиз сути керак бўлган. Битта сигирнинг оғиз сути эса палла пиёва ва даламадан ортмаган. Шунинг учун кўпинча эчкилари ва қўйлари мўл бўлган хонадонларда қаганоқ пишириш урфга кирган. Таомни тайёрлаш учун қозон ёғланган, оғиз сутига озгина сут қўшиб, ўчоқ ёки тандир қўрига қўйилган. Натижада қозондаги масаллиқ жуда секин қайнаб, қуюқлашган. Тайёр бўлганидан сўнг пичноқ билан кесиб истеъмол қилинган. Бундай сутли таом Тошкент воҳаси ўзбекларида “оғиз” деб юритилади. Қаганоқ воҳанинг ярим кўчманчи чорвадор хонадонларида кўпроқ тайёрланиб, тановвул қилинади. Бу таомни Сурхондарё вилоятида ҳам тайёрланганлиги маълум (Икромова, 1989:48).

“Палла барак” ва “овуз барак” деб аталган таомлар ҳам оғиз сутидан тайёрланган. Таомнинг тайёрланиши худди тухумбаракка ўхшаб кетади. Фарқи палла баракка оғиз сутига тухум қўшиб тайёрланган. Масаллиқ ҳамирдан ясалган жилдларга

солиб, сувда қайнатилган. Бу таомни пишириш учун сигирнинг оғиз сути етарлича бўлиши керак, чунки “палла пиёва”, “далама” таомларидан ортиб қолсагина палла барак пиширилган. Халқда “қаганоқ” ва “палла барак” эса тансиқ таомлар қаторига киритилган. Воҳанинг баъзи ахоли манзилларида оғиз сути “тўхтаб қолган сут”, шунинг учун “халол эмас”, “палланинг хиди келади” деб, кўп холларда хамирга ҳам ишлатилмаган сувга оқизилган ё қўмилган.

Оғиз сути сутга айланганидан кейин ундан ҳам турли хилдаги таомлар тайёрланган. Сутдан қатиқ ивитилган, қаймоқ ва сариёғ олинган, панир ва қурут тайёрланган, ширчой ва ширгуруч таомлари пиширилган.

Воҳада эрталабки нонуштада сутдан тайёрланган ширчой таомига қаймоқ ёки сариёғ солиб тановвул этилган. Таом ҳар жойда ўзига хос усулда тайёрланган. Масалан, Когон тумани Тутикунда ва Кафтархона қишлоқларида қозонга аввал ҳалилий (қизил) узумнинг тагасклари, Ғиждувон тумани Гаждумак ва Арабон қишлоқларида беҳи пўстлоғи, Бухоро шаҳрида эса бодом пўчоғи сувга солиб қайнатилган. Кейин маълум миқдордаги сут солинган. Воҳада ширчой таоми учун маҳсус чой жўхори экилган. Чой жўхори ҳам аввал сувда қайнатилган, кейин сут қўшилган, бу ҳам таомга қизил ранг берган. Натижада ширчойнинг ранги чиройли бўлиб, ўзига хос лаззатли таъм берган таом тайёр бўлгач, унинг ғуборини чиқариш учун чўмич билан қирқ марта шопирилган. Ширчой касалларга қаймоқ ёки сариёғ солиб сузилиб, нон тўғраб истеъмол қилинган.

Уй шароитида кўп вақтларда сигир сутидан ҳом ва пишган қаймоқ тайёрланган. Ҳом қаймоқ тайёрлаш учун янги соғилган сут маҳсус элакдан ўтказилиб, бир тун давомида сават остида сақланган. Натижада идишдаги сут бети қаймоқ тортган, у сузиб олиниб тўпланган ва маълум миқдорда кўпайгач, қозонда кўдирилиб сариёғга айлантирилган. Бу хилдаги ҳом қаймоқ фақат ёз мавсумида олинган.

Воҳада пиширилган қаймоқни тайёрлашнинг ҳам ўзига хос усули бўлган. Бунинг учун ҳом сут ўчокда паст оловда қайнотка келтирилади. Баъзан эса сут қуйилган қозон катта сават остида маҳсус идишда солинган қўрда ҳам сақланган. Сават усти дастурхон билан ёпиб қўйилган, натижада сут бетида хосил бўлган қаймоқ қўр таъсирида ва ўз буғида пишган. Бу усулда тайёрланган қаймоқни нонуштада нон билан ёки ширчойга солиб истеъмол қилинган ёки воҳа марказига яқин қишлоқларда кося ва пиёлаларда келтириб, бозорларда сотилган. Қаймоқнинг сифати сигир сути таркибига боғлиқ бўлган. Сигир сути куюқ бўлса қаймоқ ҳам қалин бўлган.

Воҳада сутдан тайёрланган яна бир масаллиқ қатиқ. Қатиқни тайёрлаш жараёни ҳам ўзига хос усулда бўлган. Бунинг учун соғилган ҳом сут қайнатиб пиширилгандан сўнг иликроқ холатга келтириб, қўр солинган ва усти ўраб қўйилган. 1,5-2 соат ичида ушбу масаллиқ ивиб қатиққа айланган. Қайнатилган сут иссиқлигига қўр солинса қатиқ бирдай ивимаган. Бундан ташқари, қўр солинган идиш усти узоқ ёпиб ҳам қўйилмаган, акс холда қатиқ ачиган.

Воҳанинг Қизилтепа тумани Зармитан қишлоғи қатиғи хуштамлиги, хушхўрлиги билан донг таратган. Навоий тумани қишлоқларида қатиқ тайёрлашда қўр ўрнида қўзичоқ қоринчаси ишлатилган. Қоринчани қуёшда қуритиб, ўғирчада туйиб, қатиқ

тайёрлашда ачитки сифатида олиб қўйиб фойдаланилган. (Шаниязов, Исмаилов, 1981:119).

Ушбу ачитқидан тайёрланган қатик анча хуштаъм бўлган. Қоракўл тумани қишлоқларида сутни пишириб, қўр солиш жараёни уюнтириш, “кўрни эса чакида” деб атаганлар. Шунга мувофиқ, қатик ҳам “қатик чакида” деб номланган. Ромитан тумани Қўргон атрофи қишлоқларида яшовчи аҳоли ўртасида қўй сутини соғиб, мешга солиб қатик тайёрлаш усули кенг тарқалган. Мешнинг суюқ қатифи (чурғот) жуда хуштаъм бўлган. Мешга солинган сутга қўр қўшишнинг хожати бўлмаган, чунки унинг оғзини маҳкам беркитилиши сутни ачиб, қатикқа айланишини тезлаштирган. Бундан ташқари воҳанинг Навоий, Қизилтепа, Бухоро тумани чорвадорларида “Қорин қатик” (Дала тадқиқотлари, 1994) тайёрлаш кенг тарқалган. Масаллиқни тайёрлаш учун дашт қўйи ва эҷқилари сути ишлатилган. Қориндан қилинган халтани чорвадорлар “қорин халта” деб атаганлар. Сутни халтага тўлдириб қўйиб, оғзи маҳкам ип билан боғланган. Қорин халта эшак тўқимига боғлаб қўйилган. Эшак қўй суреви ортидан кун бўйи юргани натижасида, халтадаги сут чайқалиб, ёғи ажралиб, хуштаъм айрон хосил бўлган. Қорин халтада ивтилган қатикни ўзбеклар “қорин қатик” деб атаганлар. Қорин қатик факат иссиқ ёз кунлари истеъмол қилинган.

Ғиждувон тумани Боғчаози ва Арабон қишлоқларида қатиқдан “чибод” деб номланган ичимлик тайёрланган. Бунинг учун кўзада қатик ивитилиб, унга туз, шивит,райхон, қалампир қўшиб, қуёш тушадиган жойга қўйилган. Қуёш иссиғида ивтилган қатик ачиб, кўза тешикларидан зардоби сизилиб чиқкан. Тешиклар эса вақти-вақти билан ингичка чўпчак билан очиб турилган.

Чибод кўпинча ёғли таомлар хусусан, палов билан тановвул қилинган. Бу ичимлик хўжалигида сут, қатики етарли бўлган ва маҳсус кўза идиши бўлган хонадонлардагина тайёрланган. Чибод аслида кўзанинг номи, унда ачитилган қатик ҳам шу ном билан аталган.

Воҳада хом ва пишган қаймоқ, қатиқдан сариёф олинган. Йигиб қўйилган хом қаймоқ воҳа ўзбекларида “маска ёғи” тожикларда “равғани маска” деб аталган. Пиширилган қаймоқдан ҳам худди юқоридаги тартибда сариёф олинган, бироқ қаймоқ сут билан суюлтирилган, чунки оловда қаймоқ кувиши мумкин. Бу қаймоқлардан ажратган сариёф ва жizzга алоҳида тартибда қозондан олинган. Пишган қаймоқдан жizzга кўпроқ, хом қаймоқдан эса мулойим, бўш бўлгани учун жizzаси кам ажралган.

Қаймоқ пиширилмайдиган аҳоли манзилларида (Навоий, Олот, Қоракўл туманлари) сариёф қатик ва суюлтирилган қатиқдан олинган. Бу маҳсулотлар таркибидағи сариёф кўпинча Бухорода гуппи деб юритиладиган кув асбоби (Шаниязов, Исмаилов 1981:117), айрим холларда эса қўл ёрдамида ажратиб олинган. Маска ёғи олишнинг ҳам ўзига хос усули бўлган. Бунинг учун сут пиширилиб, ундан суюқ катик ивитилган. Қаттиқ кувга солиниб, пишқак билан пиширилган. Ажратиб олинган маска ёғи қозонда қиздирилиб, сариёф хосил қилинган. Гуппи уй рўзғор буюми сифатида, айниқса чорвадорлар хўжалигида бир нечтагача бўлган. Маска ёғлар тузлаб, қорин халтага ёки эчки терисидан тайёрланган маҳсус халтага солиб сақланган.

Салкин ҳавода гуппи ёғи яхши аралашган иссиқ ҳавода эса суюқ қаттиққа сув қүшилган. Ҳаво димиқиб булутли бўлса гуппи ёғи яхши ажралмаган. Шунинг учун халқда “ёғхўр булат пайдо бўлди” деган ибора ишлатилган.

Қатидан сариёғ олиш усули кўпинча хўжалигида сут берадиган моли кам бўлган оилаларда кўлланилган. Бунинг учун қатиқ маҳсус халтага (воҳа ўзбекларида “чакида халта” солинган ва осгичларга осиб қўйилади. Зардоби силқиб тушгач, катта сопол ёки ёғоч товоқларга совуқ сув солиб, қатиқ қўл ёрдамида эзилган, яъни ишлов берилган. Натижада қатиқ таркибидаги ёғ осон ажралган. Бу усул фақат иссиқ ёз фаслида кўлланилган. Чунки иссиқ ҳавода муздек қудук сувида эритилган қатиқдан ёғ осон ажралади. Юқорида кайд этилган масаллиқлардан ажратиб олинган ёғ мис, чўян қозонларга солиб паст оловда эритиб, куйдирилган. Халқда “номаҳрамнинг кўзи қозонда эритилаётган ёғга тушса, ёғ қозондан тошиб кетади” деб, унга жуда эътибор бериб куйдирилган. Сариёғ қўш қулоқли хум ва қўзаларда сақланган.

Хом сутдан тайёрланган панир учун қўзичоқ қоринчаси қўр сифатида ишлатилган. Шунинг учун уни воҳа ўзбеклари панирмоя деб ҳам атаганлар. Панирмояни дока латтага ўраб, янги соғилган хом сутга ташлаб қўйилган. Хом сут қишиғида бирозгина илиқ холатга келтирилган, ёзда эса иситилмаган. Қўр солинган сут идишининг усти ёниб қўйилган. 1-1,5 соатда панир худди қатиқдай ивиган, уни зардобидан ажратиш учун дока ва латталарга ўраб, осгичларга ўраб, ёки устига оғир буюм бостириб қўйилган. 8-10 литр сутга ёнгоқ катталиги микдорида панирмоя сарфланган. Панир туз сепиб нон билан тановвул қилинган. Қўй сутидан тайёрланган панир сигир ва эчки сутиникидан хуштаъм бўлган. Воҳанинг Қоракўл тумани Бўрибек Чандир, Курбақали Чандир қишлоқларида қўй сутидан тайёрланган панир “сарған” деб юритилган. Панирни ҳамма вақт ҳам тайёрлаш имкони бўлмагани учун тансиқ таом саналган. Фақат чорвадорлар хўжалигида панирмоя ва қўй сутининг мавжудлиги тез-тез панир тайёрлаш имконини берган. Ушбу таомни узоқ сақлаб бўлмагани учун тезда истеъмол қилинган. Ёғи олинган суюқ қатиқлар қатиқ халталарга (Шаниязов, Исмаилов 1981:117) солиб, осиб қўйилган, зардоби халтадан оқиб тушгач ёғсиз сузма ҳосил бўлади. Сузма хамирли таомлар (қайиш, угра оши, чучвара, кадибарак ва бошқалар) билан тановвул қилинган. Бундан ташқари туз сепиб, қурут тайёрланган. Қурут қўргина халқларда истеъмол қилинган. Қурутдан куртава таоми пиширилган. Бу таомни тайёрлаш учун қурут совуқ сувли тоғорада эритилган. Қозонда сариёғ ва пиёздан қайла пишириб, эритилган қурутова солинган. Таомни косаларга сизиб сариёғли қатлама, жizzали патир, юпқа билан тановвул қилинган. Олот тумани Ёвкент, Чандир қишлоқларида бу таомнинг “юпқали куртак” деган хили пиширилган, яъни маҳсус юпқа тайёрлаб куртава билан ейилган. Қайласини алоҳида қўшиб тановвул қилинса бу туманларда “қиймали куртак” деб номланган. Қоракўл тумани Қозон, Жигачи қишлоқларида таом “куртак қайнатма” деб аталган. Ғиждувон, Пешку туманлари Жогари, Арабон, Богимусо қишлоқларида куртава таоми ҳатто ширчой ўрнида ҳам тановвул қилинган. Бу таом асосан камбағал хонадонларда пиширилган. Бундан ташқари куртава таоми тўқ тутганлиги учун қишида кўп тайёрланган.

Демак, воха ўзбеклари истеъмолида XIX аср охири ва XX аср бошларида донли, унли, гўшти таомлардан ташқари сут ва сутли таомлар муҳим ўрин тутган.

Сут инсоннинг ёруғ дунёга келиши билан татиб кўрган биринчи таомидир. Сутнинг инсон хаёти учун зарур бўлган озиқ моддалари эканлигини ота-боболаримиз аллақачон амалий тажрибаларда синовдан ўтказганлар. Шунинг учун ҳам инсон тановвул қиласиган таомлар орасида сут алоҳида ўринда туради ва буни одатдаги турмуш тажрибаси ҳам медицина ҳам ҳамжиҳатлик билан эътироф этади. Табиатнинг инъоми бўлган бу таом шифобахшлиги билан бошқа таомлардан ажralиб туради. Биргина сутдан турли хил маҳсулотларнинг тайёрланиши туркӣ ҳалқларнинг сутнинг пархезлик ва шифобахшлиқ хусусиятларини тушуниб, ўз ўрнида кенг истеъмол этганликларини намойиш этади.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Худойшукуров Т., Каримов М., Атоев В., Сайдов Б. Овқатланиш ва саломатлик. Т., “Медицина”. 1990.-Б.11.
2. Ҳасан Кўксол. Заرافшон водийсидан келган туркӣ ҳалклардаги тўрт хосиятли ҳайвонларга боғлиқ эътиқодлар // Заравшон воҳаси ва унинг тарихдаги ўрни. Илмий-назарий конференция материаллари. 2001 йил 18-19 май, I-кисм. Самарканд, 2001. -Б.112-113.
3. Этнография каракалпоков. XIX-начало XX века (Материалы и исследования). Т.: «Фан». 1980.-С.127.
4. Каульбарс А.В. Низовья Аму-Дарьи, описанные по собственным исследованиям в 1873 г. - “Записки императорского русского географического общества по общей географии”, т. IX. СПб., 1881, - С.557-558.
5. Икромова Н.М. Узбекская кулинарная лексика. Ташкент , “Мехнат”.1989 .-С.48.
6. Шаниязов К.Ш., Исмаилов Х.И. Этнографические очерки материальной культуры узбеков конец XIX-начало XX века. Т.: «Фан» , 1981.-С.119.

### **Изоҳлар:**

1. Занги бобо ҳалқ орасида чорвадорларнинг пири деб танилган. Қаранг: Ислом. Справочник. Т., 1989. -Б.118.
2. “сигир учинади” – ҳалқда сигирнинг эмчак оғрик бўлиши тушунилади.
3. “сояси юпқа”- касалга тез чалинувчи маъносида.
4. Коронги тушганидан кейин сигир сутини бермаслик одатига қўшни Ўрта Осиёнинг ўзбеклари тўла риоя қилганилар. Қаранг: Шаниёзов К. Ш. К этнической истории узбекского народа. Т: Фан, 1974. - С. 204.
5. Сарфалла –сигир тукқандан кейинги биринчи кун соғилган сариги аримаган оғиз сути, бошфалла дегани.
6. Фалла –аслида сарфалладан тайёрланган таом номи, бироқ 2- ва 3- кунлари соғиб олинган сариги аримаган оғиз сути ҳам воҳада шу ном билан аталган
7. Махаллий Бухоро шевасида узум доналари ейилгандан сўнг қолган вужуд тагаск деб аталган.
8. Кўр – томизғи ёки томизлиғ. Қадимда сутга озгина хамиртуруш эзиб солинган. Ток барги ҳам кўр ўрнида ишлатилган. Қатиқ ётқизилган идиш деворига ёпишиб қолган масаллиқ ҳам кўр. Кўр деб асосан олдин ивитилган қатиқдан олиб қолинган ивитувчи қисмга айтилади.
9. Қўзичоқ қоринчасининг кўр (уютки) ўрнида ишлатилишини ўзбеклар “сарғун” деб атаганлар. Сарғун чорвадор оилаларда кўп ишлатилган.
10. Қорин катиқ – қорин деб кўй ёки эчкининг ошқозони назарда тутиляпти, ошқозон бутунлигicha тозалаб уч кунгача тузли сувда сакланган (ўзига хос ҳидини йўқотиш учун).

11. Маска ёғи ёки маска мой кўпинча қувда пиширилган қатиқдан ажратиб олинган ёғ. “Маска мой, тунг мой” хакида. *Каранг*: Шаниязов К.Ш., Исмаилов Х.И. Этнографические очерки материальной культуры узбеков конец XIX-начало XX века., 117 бет

12. Гуппи ёки қуви, чакка таркибидағи ёғни ажратиб олиш учун ишлатиладиган асбоб. Гуппи ёғочдан ёки сополдан цилиндр шаклида ясалган идиш. Шаниязов К.Ш., Исмаилов Х.И. Этнографические очерки материальной культуры узбеков конец XIX-начало XX века. Т.: «Фан», 1981.-С.117.

13. Қатиқ ҳалта –максус ок бўздан тикилган ҳалта бўлиб, воҳада чакида, чакида ҳалта, сузма ҳалта, айрон ҳалта, иркит ҳам деб аталган. Шаниязов К.Ш., Исмаилов Х. И. Этнографические очерки материальной культуры узбеков конец XIX-начало XX века. Т.: «Фан», 1981. - С.117.

## ПРОБЛЕМА НАЦИОНАЛЬНЫХ КАДРОВ И ИХ РАВНОГО ПРЕДСТАВЛЕНИЯ В ГОСУДАРСТВЕННЫХ ОРГАНАХ И УЧРЕЖДЕНИЯХ ТУРКЕСТАНА

*Мирзаджанов Бахтиёр Тулкунович*

*Наманганский государственный университет, доктор философии (PhD)  
по историческим наукам (Республика Узбекистан)*

**Резюме:** В статье рассматривается вопрос представления кадров из коренного населения в системе управления Туркестана, проявлявшаяся в начальный период в виде политики пренебрежительного отношения к коренным кадрам и их представлению в структурах управления, явившейся характерной чертой данного периода, что впервые выделено автором статьи на три этапа.

**Ключевые слова:** кадры, советская власть, Туркестан, коренное население, коренизация, управление.

## THE PROBLEM OF NATIONAL CADRES AND ITS EQUAL REPRESENTATION IN STATE BODIES AND INSTITUTIONS OF TURKESTAN

**Abstract:** The article discusses the present frames of the indigenous population in the control system of Turkestan, manifested in the initial period in the form of policy neglect of indigenous personnel and their representation in governance structures, which were characteristic of this period that for the first time highlighted by the author in three stages.

**Keywords:** cadres, Soviet authority, Turkestan, indigenous population, korenization, management.

В истории кадровой политики советской власти в Туркестане и особенно в вопросах привлечения кадров из коренного населения немало нераскрытых событий и однобоких подходов.

Характеризуя положение в Туркестане после февральской революции 1917 года, Х.Адид подметил, что, хотя «туркестанцы и начали превращаться в граждан», но они